

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Наманган ХЭТК” АЖ  
бош директор



«07» 03 2022 й

Ж.Халилов

## БҮЮРТМАЧИ:

### “Наманган ХЭТК” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ 5048 сонли «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг тасарруфидаги ТТ ва ТМИЧХ цехида опора ишлаб чиқариш учун ювилган кум ва щебень маҳсулотларини Наманган вилоят худудлари буйлаб етказиб берувчи корхонани танлаб олиш учун

### ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

“Наманган ХЭТК” АЖ -2022

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартибтамоийларини ташкил этиши ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ 5048 сонли «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БҮЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг тасарруфидаги ТТ ва ТМИЧХ цехида опора ишлаб чиқариш учун ювилган қум  $4825 \text{ m}^3$  ва щебень  $6300 \text{ m}^3$  махсулотларини Наманган вилоят худудлари буйлаб етказиб берувчи корхонани танлаб олиш
- 1.2. Танлов охирги қиймати – 839 325 000 сум (Кушимча қиймат солиги билан). Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якупилари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувч ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 365 кун.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Наманган ХЭТК” АЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Маргилон кучаси 8-йй.

Эл.адрес: MTTB\_Umal@uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Наманган ХЭТК” АЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ақратилиши, кўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

• Нархлар тақлифи ва нархлар бўйича жадвалтулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериши муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўгрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиши учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул қилингана ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши түғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**Тайлөвга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати**

- 1.Ушбу тайлөв хужжатларига кафолат хати.(ф-2)
- 2.Тайлөв иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3).
- 3.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
- 4.Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
5. Молиявий курсаткичлари.
- 6.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.
- 7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот (5-10 йиллик стажлар ижобий қаралади)
- 8.Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар нархи система томонидан)

*ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА*

№: \_\_\_\_\_  
Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясын рансига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу оркали шуни маълум киламизки, \_\_\_\_\_ (*корона номи*)

- Тугатиш, кайта ташкил этиш ёки банкротлик ёкасида эмаслиги;
- Суд ёки арбитраж мухокамалари холатида эмаслиги;
- Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик холатлари мавжуд эмаслиги;
- «Инсофиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;
- Иш хаки, солик ва бошка давлат мажбурий туловларидан муддати утган карздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Рахбар: \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Бош хисобчи \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Хукукшунос \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

**Иштирокчи тугрисида тулик умумий маълумотлар**

|   |                                                                                                                     |  |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| 1 | Юридик ташкилотнинг туликноми, ташкилий хукукий формаси курсатилган холда                                           |  |
| 2 | Давлат руйхатидан утганлик тугрисида гувохнома (санаси, руйхатдан утганлик раками, руйхатдан утказилган орган номи) |  |
| 3 | Юридик манзили                                                                                                      |  |
| 4 | Контакт телефон, факс, e-mail                                                                                       |  |
| 5 | Банк реквизитлари                                                                                                   |  |
| 6 | Асосийфаолият тури                                                                                                  |  |

**Талаб килинаётган ёки ухшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси тугрисида маълумот**

| № | Хизматлар номи | Буюртмачи номи ва манзили, телефон раками | Бажарилган санаси, суммаси | Изоҳ |
|---|----------------|-------------------------------------------|----------------------------|------|
|   |                |                                           |                            |      |
|   |                |                                           |                            |      |
|   |                |                                           |                            |      |
|   |                |                                           |                            |      |
|   |                |                                           |                            |      |

(ваколатлишаҳсимзоси)

(ваколатлишаҳсф.и.о, лавозими)

Сана: «\_\_\_» 20\_\_й.

**Илова №2****Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

**Танлов таклифларини хамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш  
КРИТЕРИЙЛАРИ**

| №  | Критерийларноми, мазмуни                                                                                                                            | Форма    | Энгюкори балл | %<br>хисобид а |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|---------------|----------------|
| 1. | Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)                                                                                               | Форма №2 | 3             |                |
| 2. | Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (форма №3)                                                                                             | Форма №3 | 3             |                |
| 3. | Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун руҳсат этувчи хужжатлар нусхалари                                   |          | 4             |                |
| 4. | Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот. |          | 20            | 90%            |
| 5. | Молиявий курсаткичлари                                                                                                                              |          | 10            |                |
| 6. | Охирги 1йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича ортирилганиш тажрибаси.                                                                      |          | 10            |                |
| 7. | Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртacha иш стажи                                                                                           |          | 10            |                |
| 8. | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи.<br>(система томонидан)                                                                             |          |               | 10 %           |